



Аёл киши маҳрамсиз сафар қилиши жоиз эмаслиги

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга ва охиратга иймони бор аёл бир кеча-кундузлик масофага маҳрамсиз сафар қилиши ҳалол бўлмайди», дедилар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга ва охиратга иймони бор аёл бир кеча-кундузлик масофага маҳрамсиз сафар қилиши ҳалол бўлмайди», дедилар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга ва охиратга иймони бор аёл бир кеча-кундузлик масофага маҳрамсиз сафар қилиши ҳалол бўлмайди», дедилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирон бир эркак бегона аёл билан унинг маҳрами бўлмаган ҳолда ёлғиз-холи қолмасин. Аёл киши маҳрамсиз сафар қилмасин», дедилар. Шунда бир киши туриб: «Ё Расулуллоҳ, менинг аёлим ҳаж учун йўлга чиқди, мен эса фалон жангга чиқишга ёзилиб қўйган эдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Боргин, аёлинг билан бирга ҳаж қилгин», дедилар.

Сафардан қайтиб шаҳарга етганда энг аввал масжидга кириш



Ислом Нури

Сафар одоблари ва суннатлари (3) | 2

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Каъб ибн Молик розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам агар сафардан қайтсалар, энг аввал масжидга кириб икки ракъат намоз ўқир эдилар.

Шарҳ:

Сафар хусусида бепарво бўлмаслик лозим бўлган масалардан бири – аёл кишининг маҳрамсиз сафар қилмаслигидир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам аёл кишини ёлғиз, маҳрамсиз сафар қилишдан қайтарганлар. Зеро, аёл киши маҳрамсиз қилган сафаридан кўп фитна ва хатарларга йўлиқиши мумкин. Агарчи хатар ва фитна йўқ дейилганда ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг амрига итоат қилган ҳолда аёл киши маҳрамсиз сафар қилиши жоиз эмас. Шунингдек, аёл кишининг ҳаж қилишга қудрати етса, аммо у билан бирга сафар қилиш учун маҳрам топилмаса, унга ҳаж фарз бўлмайди.

Сафар суннатларидан яна бири – мусулмон киши сафаридан қайтиб келганида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қилганларидек энг аввал масжидга кириб, икки ракъат намоз ўқишлигидир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Аёл киши маҳрамсиз сафар қилиши дуруст эмас.
2. Тоира (самолёт)даги сафарлар ҳам шу жумладан.
3. Бирга сафар қиладиган маҳрами бўлмаган аёлга ҳаж фарз эмас.



4. Сафардан қайтган киши масжидга кириб, икки ракъат намоз ўқиши мустаҳаб.